

ХОНОВОД

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета

SADOSI

Газета 2005 йил
8 мартдан чиқа бошлаган

№ 2 (275) - сон 26 март, шанба 2022 йил.

ISSN 2010 - 572X



Юртимизга Янги йил, янги кун ташриф буюрди. Гўзал диёри-мизда шодиёналар, Наврўз шукухи кезаётир. БМТ томонидан 21- март Ҳалқаро Наврўз кунини деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКО-нинг Инсоният номоддий, маданий мероси рўйхатида киритилган, мамлакатимиз Президентининг 2022 йилги "Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарчилик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгилашлар жараёнига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда, ҳар томонлама

ХУШ КЕЛДИНГ НАВРЎЗ

юксак савияда ўтказиш бўйича вазифалар белгиланган. Бу қарорда ҳар бир вазифа ўз аксини топган яъни, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож ҳалқимиз қатламини манашу байрамлар арафасида яна бир бор кўнгилларини обод қилиш, энг аввало Президентимизнинг "Ҳалқимизни бугун рози қилиш" деган сиёсий иродаларини яна бир кўриниши, Инсон қадрини улуғлаш учун айна мударо бўлган Қарор деб биламан.

Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда "Ассалом Наврўз, янгилаш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми" деган бош гоё асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонланмоқда. Бу йилги Наврўз байрамининг бош гоёси, "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" билан бевосита уйғун деб ўйлайман, чунки, Наврўзнинг бош гоёсида ҳам урғу кўпроқ меҳр-оқибатга ва қадр-қимматга қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Лекин наврўзнинг мазмун моҳиятида бу ҳалқимизнинг ўша эзгу ишлари, қадриятлари ўзлигини мужассам топганлигини кўришимиз мумкин;

Бу байрам ҳар йили нишонланади, ҳар йили ўзгача интиқлик, завқ-шавқ билан кутиб олинди. Эзгу ниятларимизни, мурод-мақсадларимизни Наврўз билан боғланди.

Айниқса, кейинги икки йилда пандемия сабабли Наврўзни ҳар доимгидек, кенг халқ иштирокида, оммавий сайил сифатида нишонлаш имконият бўлмагани сабабли унинг қадр-қиммати яна ҳам ошгандек, халқимиз бу байрамни яна ҳам интиқлик билан кутгандек, гўё. Зотан, жорий йилга белгиланган режа ва мақсадларимиз, дастурларнинг бош мақсади ҳам инсон қадрини улуғлашдир.

Бу - халқимизга хос фазилят, меҳр-оқибатлилик, мурувватлилик намунаси. Эзгу ниятлар билан ерга уруғ қадалади, дарахт кўчатлари экилади. Бу - ризқ-рўзимиз бутун бўлиши, халқимиз

дастурхони тўкинлиги рамзи, ёшлар учун ибрат бўлиб, Умумхалқ сайили сифатида нишонланади. Бу кунни барча биргаликда, бир-бирига эзгу тилаклар билдириб нишонлаши улар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Турли гина-қудратларга барҳам берилади, бу тинчликни, ҳамжиҳатликни тарғиб этади. Ана шу каби юксак инсоний фазилятларни, минг йиллик қадрият ва аъёналарни ўзида мужассам этиб келаётгани учун ҳам халқимиз ҳар йили Наврўзни орзиқиб кутади, эзгу ниятлари рўёбини бу кун билан боғлайди. Бу йил ҳам Наврўздан умидларимиз бисёр. Наврўз чинакам янги кун бўлиб, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида янги саҳифа очишидан, ҳар бир хонадонга, бутун мамлакатимизга қут-барака олиб келишидан умидвормиз.

Ҳар бир кунимиз байраму-тўйлардан иборат бўлсин. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Турсиноя МУРАТОВА
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Наврўз байрамининг юртимизда кенг нишонланиши боқий аъёнамиздир. Наврўз - айнан, баркамол авлодни маънан камолга етказуви халқимизни, қолаверса жаҳон халқларини эзгуликка чорлагувчи байрамга айланди. Кунини кеча "Юксалиш" маҳалласида жойлашган шаҳар мактабгача таълим бўлими тасаруфидидаги 1-мактабгача таълим ташкилотидида "Кел, Наврўзим!" номли маънавий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга маҳалла нурунийлари, ота-оналар таклиф этилди.

Наврўз тантаналари бошлангунга қадар тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, маҳалла маъмурияти ва оқсоқоллар боғча биносининг атрофи ҳамда ичкари хоналарини кўздан кечирдилар. Тарбиячиларнинг машғулотларини кузатиб, хоналарнинг жиҳозланиши, кўр-

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИДА НАВРЎЗ!

газмалари, ҳамда яратилган шарт-шароитлар, ошхона ходимларининг фаолиятлари билан танишдилар. Кичкинтойлар билан суҳбатлашиб, уларнинг олаётган тарбияси, илми ҳамда тўғараклардаги бажараётган амалий ишларини томоша қилдилар. Тўрт фаслни ўзида акс эттирувчи, миллий аъёналаримиз асосида безалган хоналар кўрқига тадбир иштирокчилари юқори баҳо бердилар. Боғча мудири Барно Мамажонова мазкур даргоҳда амалга



филганларни батафсил таништириб борди.

- "Боғчамизда жами 345

нафар болажонлар тарбияланади, асосий гуруҳимизда 325 нафар, қисқа муд-

датли гуруҳимизда 20 нафари маҳалламизнинг азиз фарзандлари ҳар кун бизнинг бағримизда бўлади" дейди мудира мамнун бўлиб.

Айтиш керакки, Б.Мамажонова ўз зиммасига юклатилган вазифаларни катта масъулият билан ҳис этади ва шу талабларга жавобан элга хизмат қилади.

Тантанали ўтказилган байрам тадбирида маҳалла онахонлари, таълим ташкилоти ходимлари ҳамкорликда миллий аъёналаримиз ва урф-одатларимиздан бўлган баҳорнинг илк таоми "Сумалак" тайёрлаб барчага улашдилар. Тадбирда болажонларимиз томонидан ижро этилган қўшиқлар ва рақслар барчани мамнун этди. Маҳалла нурунийлари ушбу йилимизда ҳам халқимизнинг тинчлиги, саломатлиги, осойишталиги ҳамда деҳқончиликка, касб-корларига барака тилаб, дуо қилдилар. Тадбир барчага манзур бўлди.

Х. ХАБИБУЛЛАЕВА.
Суратларда 1-ДМТдаги "Наврўз" шодиёналаридан лавҳалар

Фармон ва ижро

Президентимиз томонидан "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони қабул қилинди

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Фармон билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (Қўмита) ҳамда унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилди.

Қўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Оила ва хотин-қизлар масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Қўмита билан мажбурий тартибда келишилади.

Фармон билан қуйидаги лавозимлар киритилди:

Вазирлар Мақамасига - Бош вазир ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига - Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси;

вилоят ҳокимликларига - ҳоким ўринбосарлари - оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари;

туман (шаҳар) ҳокимликларига - ҳоким ўринбосарлари - оила ва хотин-қизлар бўлиналари

лимли бошлиқлари лавозимлари.

Қуйидаги лавозимлар тугатилди:

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири;

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари;

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиналари бошлиқлари лавозимлари.

Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Фармонга кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлиналари негизда тегишсинча Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилди.

Вазирлик нуроний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Маҳалла, нуроний ва кексалар масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлик билан

мажбурий тартибда келишилади.

Фармонга кўра, маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Маҳалла раиси, жумладан, туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишга бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирда киритиши мумкин.

2022-йил 1-июлгача "Маҳалла тўғрисида" ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Фармон билан шунингдек аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳал этиш ҳамда мурожаатларни давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқишнинг бир-бири билан узвий боғланган тўрт поғонали "маҳалла-туман-вилоят-республика" тизими жорий этилди.

С. АШУРОВА

Хонобод шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрист консулты.

Ҳуқуқшунос минбари

АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш жиноят ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларга кенг имкониятлар берилаётган бир пайтда афсуски, баъзи ташкилот раҳбарлари Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ҳаттоки ишдан бўшатиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу албатта қонунийликка зид ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 6-моддасида Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлиги, Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ҳолати ва мансаб мавеи, динга бўлган муносабати, этникоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмаслиги ва булар камситиш деб ҳисобланиши белгиланган. Бундан ташқари "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21 моддасида ам Менат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддасига кўра, аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши қайд этиб ўтилган. Бу эса, ҳар бир ташкилот раҳбарларидан алоҳида эътиборни ва маъсулиятни талаб қилган ҳолда, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ва рўёбга чиқарилиши мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бир қисми эканлигини тушуниш кераклигини аналтади.

И. АХМЕДОВ

Хонобод шаҳар давлат органлари ва ташкилотларга юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиқи.

Ш у йил январь ойида жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг очик суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган О. Усмоновнинг иши кўриб чиқилди.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, далилларга ҳолисона баҳо берди.

Судланувчи О. Усмонов жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг ўтган йилги ҳукмига мувофиқ Жиноят Кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган. Яъни, 2021 йил 23 февраль кун фуқаро Н. Усмоновнинг уяли алоқа воситасини очикдан-очик талон-тарож қилган.

У жиноий ҳаракатларини давом эттириб, тақрибан 2021 йил 25 февраль кун ишга келиш ва судда аниқлашнинг имкони бўлмаган, давлат рақам белгиси ечиб қўйилган қора рангли "Нексия-3" русумли автомашинасини бошқариб, Олтинқўл тумани, "Қўмакай" маҳала фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган транспорт қатнов йўлига келади. Ушбу кўчада пиёда кетаётган, воёга етмаган А. Абдурахмоновнинг ёнига тўхтади. Ундан кўнғироқ қилиб олиш учун телефонини бериб туришини сўрайди. Устамонлик билан А. Абдурахмоновнинг бир

дона нархи 1.100.000 сўмлик уяли алоқа телефонини қўлга киритади ва ҳодиса жойидан яширинади.

О. Усмонов суд мажлисида айбига иқдор бўлмади. Аксинча, ҳозирда 2 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўй-

2021 йил 25 февраль кун яшаш хонадонидан чиқмаганини сўзлайди. А. Абдурахмоновни кўрмаганини, суддан адолатли ҳукм чиқаришини сўрайди.

Жабрланувчи, воёга етмаган А. Абдурахмонов қонуний вакили Г.



ИШ БЕРМАГАЧ...

ича судланиб, жазони ўтаётганини айтади. У мўлтонилик қилиб, А. Абдурахмоновнинг телефонини талон-тарож қилишда ноўрин айбланаётганини, жиноят бўлган кун, яъни

Нурматова иштирокида онаси совага қилиб берган телефондан фойдаланиб келаётганини билдирди. 2021 йил 25 февраль кун судланувчи О. Усмонов унинг ёнига ке-

либ, танишига кўнғироқ қилиб олиш учун телефонини бериб туришини илтимос қилганини очик эътироф этди.

О. Усмонов Избоскан тумани марказида уяли алоқа воситаларини таъмирлаш ва сотиш дўконида ишлайдиган гувоҳ А. Қаҳҳаров олдида келиб сотиладиган бир дона уяли алоқа воситаси борлигини айтди. А. Қаҳҳаров О. Усмоновдан телефонни 300.000 сўмга сотиб олади. Хуллас, Олтинқўл туман ички ишлар бўлими ходимлари қўлдан-қўлга ўтиб келган телефон жиноий йўллар билан сотиб келинганига суриштирув ишлари орқали аниқлик киритишди.

Унга жазо тайинлашда унинг тури ва меъёрини белгилаш масаласи муҳокама қилинди. Жиноят Кодексининг 55-моддасига асосан, оилали, қарамоғида бир нафар воёга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Унга жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2021 йил 2 июлдаги ҳукмига мувофиқ тайинланган жазони мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун 5 йилу 2 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Қаҳҳарон АХМАДАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман судининг раиси.

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

Мамлакатимизда ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва маҳоратларини намоён этишлари учун имконият яратиш, уларнинг маънавий оламини бойитиш ва миллий қадриятларимизни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юртбошимизнинг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ҳар йили ўтказилиб келинаётган курик-танлов ҳам ана шундай мақсадга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг билим олиб, ҳунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланётган Андижон Давлат Университети ҳузуридаги Хонобод саноат техникуми талабаси Хотамова Зулхумор ҳар йили ўтказилиб келинаётган Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан "Ватан тараққиётига менинг хиссам" танловларининг шаҳар, вилоят ва республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда бу каби танловлар ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, санъат ва гўзалликни интилиш, миллий санъат намуналарини асраб қолиш ва ёшларимиз томонидан янада юксалтириш каби эъзуликларга хизмат қилмоқда. Қўйида Зулхумор Хотамованинг "Хуш келдинг Наврўз" номли шеърини сизларга хавола этамиз.

Суратда: Зулхумор Хотамова

ХУШ КЕЛДИНГ НАВРЎЗ

Табиятни ўйғотиб келдинг,
Тўрт тарафин янатиб келдинг.
Оламга нур таратиб келдинг,
Хуш келдинг янги кун, хуш келдинг наврўз.

Ҳар инсоннинг қулгусида сен,
Ҳар япроғнинг жилосида сен.
Оҳ гулларнинг ифорида сен.

Хуш келдинг янги кун, хуш келдинг наврўз.

Наврўз-у олам келди, дошқозонда сумалак,
Қулгуси гул қизларнинг сочларида жамалак.
Йиғитларчи белда белбоғ бошида дўппи билан,
Хуш келдинг янги кун, хуш келдинг наврўз.

Ватанимда тинчлик бу кун,
Наврўз шукҳи кезар.

Дилларда қувонч бу кун,
Шодлик оламини безар.

Хуш келдинг янги кун, хуш келдинг наврўз.



Ҳ.МҶИНОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Хонобод шаҳар бўлинмаси раҳбари

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Турли халқлар ва миллатларнинг тарихи, миллий маданияти урф-одат ва қадриятларини йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлаётган "Оммавий маданият" илгор фикрловчи кишиларни бевосита ташвишга солмоқда.

Айни пайтда замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлмиш ёшларнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта бу қувонарли ҳол. Чунки бир неча тилда сўзлаша олиш, интернет оламига кириб дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятини мавжудлиги, уларнинг билими, дунёқарashi кенгайётганидан дарак беради. Бироқ, глобаллашув жараёнида турли гоғлар кураши, ахборот хуружлари, мафкуравий тазйикларнинг тобора авж олаётгани сир эмас албатта. Бугун арзimasдек туюлган кичик хабар ҳам инсонларнинг айниқса ёшларнинг ҳаётига катта салбий ўзгаришлар киритишда қодир кучга айланмоқда. Аслида, "Оммавий маданият" соясида кириб келаятган ахлоқсизлик, беҳаёлик, эўравонлик ва бузуқлик каби ёмон иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларига ҳам мос келмайди. Айниқса бизнинг заминимизда туғилиб ўсган, жаҳон маданияти ва цивили-

зациясига ўз ҳиссаларини қўшган Имом-ал Бухорий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қўллаб буюк аждодларимиз қолдирган мерос бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятларига йўғрилган ор-номус, уят ва андиша, шарму-ҳаё каби туршунчалари ҳаётимизга сингиб кетган. Айниқса, кексаларга ҳурмат, ота-онага эҳтимом, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларимиз узоқ ўтмишдан бугунги кунгача ўз кўрку тароватини, миллийлигимизни кўрсатиб турадиган қадрият ва урф-одатларимиз бутун дунё халқларини ром этиб келади. Бизнинг маънавиятимизга, қадриятларимизга ва анъаналаримизга мос келмайдиган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи "Оммавий маданият" бугун ёшларнинг тарбиясига, ахлоқига, муомала маданиятига салбий таъсир кўрсатаётгани эса ачинарли ҳол. Негаки, ёмон иллатлар ҳам-

ма вақт юқумли бўлган. Уларни юқтирмаслик учун кучли мафкуравий иммунитет керак бўлади. Бундай иммунитетни ҳосил қилишда энг аввало тарихий он, тарихий хотира ва қадриятларга бўлган ҳурматни шакллантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятга эга маънавий баркамол шахс бўлиб етишишида миллий-маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қайсики жамиятнинг, халқнинг миллий маънавияти, дин-удийнати кучли ва мукамал бўлса, бундай жамиятга ҳар қандай ёғ гоғлар раҳна сололмайди. Зеро, ўз мамлакатининг бой тарихи, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, аждодлари хотираси, халқнинг бебаҳо меросини асраб авайлашдек масъулиятни ўз зиммасига олган ҳар бир ёш авлод бугун турли таҳдидларига ўзининг хур фикри ва ҳаётини позицияси билан бемалол қарши чиқа олади.

ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Инсон қадрини улуғлаш борасида 2022 йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-58-сон фармони қабул қилнди.

Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги "2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-3227-сон Фармонига мувофиқ имтиёзли тоифадаги шахслар учун уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ойлик компенсация пули олувчилар сони оширилди. 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

Компенсация тўлови, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъий назар тўлаб борилади;

Ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

Ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар туман шаҳар хокимларнинг қарорларига асосан ёлғиз деб топилган белгиланган тартибда озик

овқат махсулотлари олувчилар, қиради.

Ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда - пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдорига қўшимча тўлов белгиланади.

Ижтимоий химоя қилишни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентини 2022 йил 9 феврал, УРҚ-752-сон қарори қабул қилинди. Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг Давлат Пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг бир қатор моддаларига ўзгартириш киритилди.

Жумладан "15-моддага "Ноғиронлик пенсияларни қонунчилида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобыль АЭСдаги авария тўғрисида маълум бўлиши ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга таъинланади";

19-моддага Болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки 18 ёшдан катта бўлса, агар улар 18 ёшга тўлгани қадар ноғиронлиги бор бўла бўлиб қолган бўлса. Бунда башарти, агар ака-ука-

лар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилияти ота-онаси бўлмаса пенсия тўлаш кўзда тутилган.

"Таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгани қадар бokuвчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга";

37-модда биринчи қисмид бандига

"д) I гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ноғиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт" пенсия таъинлашда меҳнат стажига киритилиши кўзда тутилган.

"ж" бандидаги ҳам ўзгартириш киритилди. Тўғш таълида бўлган аёлларни пенсия таъинлашда бола парваришда даври кўпи билан 6 йил ҳисобга олиниши кўзда тутилган

47-модда қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чора-

лар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин пенсия таъинлаш сўраб бир ой ичида муурожаат қилган бўлса, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан таъинланади"

Ноғиронлиги бўлган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги ПФ-74-сон Фармонига асосан ижтимоий қўллаб қувватланмоқда.

Ноғиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришга олиш оилалари давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этилмоқда

2022 йил 1 апрелдан бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ноғиронлик нафақаси ҳамда иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ноғиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда - 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилмоқда.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзгалар парваришига муҳтож ноғиронлиги бўлган 18

ёшгача болаларнинг (кейинги ўринларда - ўзгалар парваришига муҳтож болалар) парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вақилига ҳар ойда 500 000 сўм миқдорига нафақа тўлови (кейинги ўринларда - парвариш нафақаси) жорий этилмоқда.

Парвариш нафақаси фуқароларнинг Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган муурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан таъинланади ва тўланади.

Юқоридаги ўзгаришларга асосан;

Бokuвчисини йўқотганлик пенсия олиб келган ёки бokuвчисини йўқотган оилаларни фарздандари 18 ёшдан ошган ҳозирги кунда таълим муассасаларида тахсил олаётган 23 ёшга етмаганлар бўлса чет элда ўқитганган, кундизги сиртки йўналиш бўлса ҳам пенсия жамғармасига ўқиш жойидан маълумот тақдим қилган тақдирда пенсия тўлови давом эттирилади.

Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари ҳукуматимиз томонидан аҳолига берилаётган имтиёзларни ўз вақтида етказиб келадилар

А.МАМАДАЛИЕВ
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хонобод шаҳар бўлими бошлиғи в.б.

САЙЁР ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.01.2019 йилдаги ПҚ-4102-сон қарорига кўра, туман ва шаҳар секторлари раҳбарлари ҳар ҳафтада камиди бир маротаба жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари билан тегишли фаолият соҳалари кесимида қабуллар ўтказилиши белгиланган.

Шунга кўра, бугунги кунда Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги барча ҳудудий сектор раҳбарлари омонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хонобод шаҳридаги Халқ қабулхонаси ва ҳудудларга бириктирилган Ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда, Хонобод шаҳридаги жами 15 та маҳалла фуқаролари йиғинларида тасдиқланган ҳақдавал аҳолига қулай бўлган жойларда ҳам да вақтлар да оммавий сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Ўтказилаётган оммавий сайёр қабулларга шахримиздаги барча мутасадди ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари ҳамда масъул хо-

димлари жалб қилиниб, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари, шунингдек, уларнинг ижтимоий масалалари шу жойни ўзида ҳал этилиб, ўз ечими топилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Ижроси учун вақт талаб этилаётган муносабатлар бўйича эса ҳудудий Сектор раҳбарлари ҳамда Хонобод шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олиниб, уларнинг белгиланган муддатларда ва қонуний кўриб чиқиши ҳам таъминланиб келинмоқда.

Ўтказилиши режалаштирилган оммавий сайёр қабуллар юзасидан маҳаллалар аҳолисига етказилиши бўйича ҳақдавал нусхалари кўпайтирилиб, барча ҳудудий маҳаллаларда фаолият кўрсатиб келаётган сектор штаб-ларига, маҳалла фуқаролари йиғинларига, ҳудудларга бириктирилган ҳоким ёрдамчилари билан ражали тадбирлар ташиқил этилмоқда.

С. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Хонобод шаҳридаги Халқ қабулхонаси муdiri.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йилнинг 16 март куни "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни имзоланди. Мазкур Қонун, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни ҳар томонлама тартибга солувчи илк бор қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон тарихидан ўрин олди. Чунки шу вақтгача бу соҳада қонунчилигимизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди.

Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5655-сон фармонида мувофиқ ишлаб чиқилди.

Қонунни ишлаб чиқишда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа статистикалари конференциясининг аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан асос сифатида фойдаланилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё ва Европа мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Озарбай-

МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАР
ЎН ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

жон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Канада ва бошқа давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибалари ўрганилиб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Қонун бешта боб ва ўттиз бир моддадан иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принциплари ёритиб берилган. Асосий принциплардан бири сифатида даврийлик принципи, яъни аҳолини рўйхатга олиш ўн

йилда камиди бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида, шахсга доир маълумотлар Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга олиш варақлари асосида ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан уйма-уй юриб, ҳар бир респондент учун алоҳида тўлдирилади.

М. СОЛИЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Хонобод шаҳар Истиқлол МФЙ Фароғат кўчаси 47 уй 34-хонадонда яшаб вафот этган мархума **Низомова Машрабхоннинг** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Янги ҳаёт МФЙ анҳор бўйи кўчаси 21 хонадонда яшаб вафот этган мархума **Джороева Мохира Турғунхоннинг** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Фозилмон МФЙ Хунармандлар кўчаси 4 уйда яшаб вафот этган мархум **Маматов Абдукарим** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Юксалиш МФЙ Истиқбол кўчаси 55 уйда яшаб вафот этган мархум **Мусаев Дониёржон** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Бунёдкор МФЙ Тонг юлдузи кўчаси 17 уйда яшаб вафот этган мархума **Хамрокулова Майрамхоннинг** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчаси 126 А уйда яшаб вафот этган мархум **Абдурахманов Расулжон** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Тейт МФЙ Нури келажак кўчаси 62 уйда яшаб вафот этган мархум **Юлдашев Кабилжон** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Тейт МФЙ Қорабағиш кўчаси 20 уйда яшаб вафот этган мархума **Эшаева Бусоҳодатнинг** мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Бунёдкор МФЙ Фузули кўчаси 1-уйда яшаб вафот этган мархум **Нажмиддинов Азимжон Раҳмонжонвичининг** мулкига нисбатан мерос очилиши муносаба-

ти билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

1994 йилда туғилган Абдулазизова (Рамазоновна) Нилуфар Абдурашул Қизи 2009 йил Хонобод шаҳар касб-хунар мактаби (олдинги номи Хонобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи)га "Ахборот тизимлари ва технологиялари" мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиниб, 2012 йил ушбу мутахассисликни тула курсини таъомлаб, 1001-сонли рўйхатдан ўтказилган К№ 2346559 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор деб ҳисоблансин.**

Хонобод саноат техникуми томонидан 2007 йилда Бегимкулов Темурмалик Тошмаматович номига берилган «Автотранспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича берилган № 1267 қайд рақами К №620419 сонли диплом йўқолганлиги учун **бекор деб ҳисоблансин.**

Хонобод шаҳар ҳокимлиги жамоаси Хонобод шаҳар ҳокими **Машъалбек Тажибаева** падирибузруквори **ХУРМАМАТ ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Хонобод садоси»

МУАССИС:
ХОНОБОД ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир вазифасини
бажарувчи:
Ҳ. СОДИҚОВА

Газета Андижон вилоят
матбуот ва ахборот
бошқармасида
2011 йил 25 январда 04-025
рақами билан рўйхатга
олинган.

Газета А-3 қолипда босилди. Ҳажми
1 босма табақда. Газета «ANDIJON NASHRIYOT-
MATBAA» МЧФ компьютер марказида терилди
ва саҳифаланиб, 250 ададда босилди. Индекси
171500. Бюрторма № 0000175
Босмахона манзили: Андижон шаҳар, Навоий
шоҳқўчаси, 71-уй.

Босишга топшириш вақти: 18.00
Босишга топширилди: 18.00

Таҳририят манзилгоҳи:
Хонобод шаҳар, Умаршайх
Мирзо кўчаси, 4-уй,
ҳокимлик биноси,
301-хона. Тел: 734-21-65

Нашр учун масъул:
Х.Ҳабибуллаева